# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 19 октябр

38(211)- сон


**Миллатимиз энг буюк байрамлардан бири — тил байрамини нишонлаш арафасида. Тилимизни асрайлик, бойитайлик ва севайлик!**

## ЎЗМТДП II ҚУРУЛТОЙИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

***12 октябр сешанба куни Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг II қурултойи бўлиб ўтди.***

***Қурултойда мамлакатнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри партия ташкилотларидан сайланган 128 делегат иштирок этди.***

***Қурултойни ЎзМТДПни тузишда фаол қатнашган атоқли олим Ҳамид Зиёев қисқача сўз билан очиқ деб эълон қилди.***

***Сўнг делегатлар қурултой кун тартиби, иш мароми, ишчи ҳайъатини тасдиқладилар.***

***Қурултой Ўзбекистон Президенти сайловига ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан кўрсатилган муқобил номзод; Миллий тикланиш партияси ва Ўзбекистонда демократик сайловлар жараёни — партиянинг сайловолди дастури муҳокамаси; Олий Мажлисга партия томонидан кўрсатилган номзодлар каби масалаларни кўриб чиқди, партия Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглади, бир қанча партия ички қурилиши билан боғлиқ ташкилий масалаларни кўриб чиқиб, Марказий Кенгаш Раёсатнинг янги таркибини тасдиқлади. Партия газетасини мустаҳкамлаш, партия дастурининг янги таҳририни тайёрлаш, Уставга киритиладиган ўзгартишлар ва ниҳоят партия эмблемасини тасдиқлади.***

***Биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан партия раиси Иброҳим Ғафуров ахборот ҳамда маъруза қилди. (Эълон қилинаётган ҳисоботга қаранг).***

***Партия сайловолди дастури тўғрисида сиёсатшунос олим, партия фаоли Рустам Жумаев маърузаси тингланди.***

***Барча кўрилган масалалар юзасидан Қурултой Резолюция ва қарорлар қабул қилди.***

***II қурултойнинг ҳужжатлари «МТ»нинг навбатдаги сонларида эълон қилинади.***

## КУЧНИ ЮРТДАН ОЛАМИЗ

Кўпчиликни бир жойга йиғиш осон эмас.

Қорни очлар таомли дастурхон атрофига осон йиғиладилар. Зўрлик, мажбурият ҳам одамларни йиғиш кучига эга. Айниқса, меҳр-муҳаббат атрофида одамлар ўзлари истаб-интилиб тўпланадилар. Бундай тўпланиш иштирокчилари кўпам бир-бирининг гапини кесавермайди, бир-бирини эшитишга, бир-биридан нимадир олишга ҳаракат қилишади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг II қурултойи, менинг назаримда, меҳр кучи билан, якдиллик билан бир жойга йиғилган инсонлар анжуманига ўхшади. Яхшилик тараддудидаги одам йўлга тушишдан аввал онаси, отаси дуосини олади. Улуғ инсонлар хоки ётган табаррук жойларни зиёрат қилади. Бу одатни ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Кимдир шунчаки урфда, дейди. Кимдир қудратли руҳлар Тангри билан бандаси орасида воситачи, шунинг учун банда ўша руҳлар воситасида Тангрига юкинади, сафарига оқ йўл сўрайди, дейишади.

Яна бошқа биров зиёратчи ўша тирик руҳларнинг ўзидан қувват олади, дейишади.

Ҳарна бўлганда ҳам, инсон зиёратгоҳдан тозариб, руҳланиб чиқади. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси II қурултойи иштирокчилари ҳам ўз ишларини Амир Темур хиёбонидаги соҳибқирон бобомиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошлади. Қурултой ҳам Темурийлар даври тарихи музейида очилди. Буюк бобомиз ёдгорлигини тавоф этиш, унинг номи, шаъни билан боғлиқ кошонада анжуманга тўпланиш, делегатларни рўйхатга олаётган қизлар эгнидаги атлас либослар, зар дўппи — булар ҳаммаси анжуман қиёфаси, руҳини сувратлантириб турувчи белгилар эди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирини тўлдирувчи қисмлар эди.

— **Азиз маслакдошлар!** — ЎзМТДПнинг улуғсифатли (бу инсонга улуғ сифати ҳар жиҳатдан ярашади) аъзоси тарихчи алломамиз Ҳамид Зиёев II қурултойни ана шу сўз билан бошладилар.

Она тилимиздаги барча сўзлар чиройли, жозибали. Аммо биз соғинган, миллатимиз соғинган сўзлар бор. «Маслакдош» ана шундай сўзлардан.

**— Мен Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига аъзолигим билан фахрланаман...**

Домла шу фахр билан қурултой ишига муваффақият тиладилар.

Аксарият йиғинларда кун тартибидаги масалаларга ўтгач, йиғилганлар бемалол тортади. Кимдир китоб очади, кимдир ёза бошлайди, кимдир шеригигами ё юмшоқ ўриндиқ орқасигами суянади. Аммо қурултой кун тартибидаги биринчи масалани ҳамма бир нафас билан кутиб турди:

**— Бизнинг партиямиз Ўзбекистон Президентлигига муқобил номзод кўрсатиш учун сайлов қонунида белгиланган миқдорда сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини йиға олмади. Шунинг учун биз Ўзбекистон Президенти сайловида мамлакатимизнинг асл фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлаймиз!**

ЎзМТДПнинг раиси Иброҳим Ғафуровнинг таклифини анжуман қатнашчилари олқишлар билан кутиб олдилар ва қурултой Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди.

**«Мен омон эканман, халқим ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди».**

Ўзбекистон ва ўзбеклар учун қилаётган барча ишларини бирбир санаб ўтирмасдан мана шу юқоридаги битта жумла учун ҳам Ислом Каримов номзодини халқимиз ҳар қанча қўлласа арзийди.



Чунки очиғини айтайлик, Ватан озодлигигача кўп йиллар айнан шундай жавобгарликни зиммасига оладиган чиқмаганлиги туфайли ҳам миллатимиз яқин ўтмишда кўп жабр тортди.

Сўрайдигани йўқ миллатни хоҳласа мутеларча ишлатадилар, хоҳласа қамайдилар, хоҳласа совуқ ўлкаларга сургун қилади. Бошида ҳовандори бор миллатни ҳуда-беҳуда камситишга ҳеч ким журъат этмайди.

Бугун шукрки, ҳовандоримиз бор.

Эҳтимол, Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш чоғида қурултой залида давом этган узоқ қарсакларнинг ўзбекча таржимаси ва маъноси ана шу шукронадир.

**Миллий тикланиш демократик партияси ва Ўзбекистонда демократик сайловлар жараёни.**

ЎзМТДП раиси **Иброҳим Ғафуров** анжуман иштирокчиларига шу мавзуда маъруза қилди. Ҳар қандай партия асоси, ғоялари, интилишлари билан жонли бир жисм. У оёққа туриб, юриб, гапириб, ўзининг ким эканини жамиятга билдириб, қолаверса, тан олдириб яшаб кетиши учун қаттиқ ҳаракат қилиши зарур.

Иброҳим Ғафуров ЎзМТДПнинг ана шу ҳаракат йиллари ва йўллари ҳақида гапирди. Яхши қонунлар ҳатто ичида ёмонлик ин қурган бандаларни ҳам эзгуликка етаклайди, азалдан эзгулик йўлида жон куйдириб келаётган одамларни яна ҳам яхшилаштиради. Жамиятга гўзал хулқ билан қудрат беришга уринади.

Партия раиси «Миллий тикланиш» олдимизда турган сайловларга ана шундай қонунларга камарбасталик истаги билан кираётганлигини сўзлади.

**Миллий тикланиш демократик партиясининг сайловолди дастури.**

Партия фаолларидан бири сиёсатшунос **Рустам Жумаев** нутқи шу мавзуда бўлди.

Сайловолди дастур тушунчаси алоҳида бир қобилият эгаларигина англаши мумкин бўлган бир мажмуадай туюлади. Ундаги сиёсий, иқтисодий терминлар шундай тасаввур беради. Аммо Рустам Жумаев партиянинг сайловолди дастурини шундай шарҳладики, бундаги терминлар анжуман иштирокчиларига жуда яқин келди. Уларнинг маъноси, моҳияти йириклашди. Ҳар бир иштирокчи ўзини дастурдагиислоҳотларга дахлдор эканини ҳис этди. Яқин вазифалар, ўрта муддатли вазифалар, стратегик вазифаларда маърузани эшитиб ўтирган кўйи ўз ўрнини тасаввур этди. Айниқса, нотиқнинг партия адвокатлик контораси, меҳнат биржаси, ёки маърифий ҳаракатга айланиб қолмаслиги керак. Партия ўз ғоялари, ҳаракати, кучи, салоҳияти билан сиёсий партия даражасида маҳкам туриши шарт, деган гаплари делегатларни ҳушёр торттирди. Ҳар бири ўз юрагига тушадиган юкни ҳис қилди. Шундан сўнг ҳар иккала маъруза юзасидан музокаралар бошланди. Назаримда, бирорта нотиқ минбарга, «Ҳа, гапирди» деган рўйхатга исмим тиркалиб қолсин, деган ниятда кўтарилмади. Ҳаммасининг шу анжуман учун юрагида асраган гапи борлиги кўринди.

**Ўткир ҲОШИМОВ** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати, «Шарқ юлдузи» журнали Бош муҳаррири:

— Ҳар қандай тасодиф тўсатдан, кутилмаганда юз берса-да, унинг орқасида, албатта, катта қонуниятлар туради. Эҳтимол, «Миллий тикланиш партия»си 2000 йил 9 январда ўтажак Президент сайловига муқобил номзод учун етарлича имзо тўплай олмагандир. Аммо партиямиз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилиб халқимиз дилидаги эзгу ниятни ифодалади.

Аслида зиёли қавм инқилобга мойилроқ бўлади.

Мавжуд шароитларга кўникмовчироқ, кескинроқ, ўзгаришларга тарафдорроқ бўлади. Аммо шу қавм ҳам Ўзбекистон озодлигини Ислом Каримовгагина ишонаётган экан, бунда чуқур қонуният бор.

Биз сайловолди тайёргарлик майдонида сезилаяпмиз. Дастуримиз, шахсимиз, позициямиз билан ҳар кунда борлигимиз билиниб турибди. Олий Мажлис депутатлигига ҳам шундай номзодлар тавсия этишимиз керакки, уларнинг борлиги сайлов жараёнларида ҳам ҳозиргидай сезилсин! Албатта, биз буни ёлғон ваъдалар бериш, одамларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш йўли билан амалга оширмаймиз. Биз эл-улусни ҳақиқатларимизга ишонтирайлик. Уларнинг дардларини билишимизга, ҳамма шу йўлдаги инсонлар билан бирлашиб, бу дардларга дармон топишга астойдил эканимизга ишонтирайлик.

Кураш дегани, фидойилик, уйғоқлик дегани. Бу кураш кўпинча ичкарида — қўмиталар йиғилишларида кечади.

Адолатли қонунлар қабул қилиш ҳар дам ҳам осон кечавермайди. Чунки ҳар кимнинг ўз дилида адолати бор. Ўша адолатни Миллат манфаатлари даражасига кўтариш учун халқ ноибининг тафаккури чуқур, таҳлили аниқ, хулосалари қатъий бўлиши зарур.

**Тўлан НИЗОМ** — Ўзбекистон халқ шоири, ЎзМТДПнинг Андижон вилояти кенгаши раиси:

— Биз аста-секинлик билан бўлса-да, «Э, қўявер, сен билан мен бошқотирганимиз билан ҳеч нарса ўзгармайди», деган кайфиятдан чиқиб кетишга уринаяпмиз. Муаммоларимизга яқинроқ бораяпмиз. Улар баъзан анча баҳайбат кўринсада ҳадиксирамай ичига киришга, у ёқ-буёғини қўзғатиб кўришга ҳаддимиз сиғаяпти. Ана шу тарзда жамиятимизда кеча илдиз отиб кетган порахўрлик, ўзибўларчилик, қонунни менсимаслик каби ёмон иллатлар кўзимизга бор бўйи-эни билан кўрина бошлади.

Бизнинг партиямизнинг ғоялари ана шу иллатлардан халос бўлиш ғояларидир. Барча адолатли қонунларни қонунсизликларга қарши қўйиш ғояларидир. Аммо барча ғоялар бизнинг ишимиз, амалимиздагина кучга киради. Шу ҳақиқатдан сира узилмасдан, шу ҳақиқатга чамбарчас боғланиб яшасак, бас.

**Талъат СОАТОВ** — Биокимё институти директори:

— Мен мамлакатимиз тараққиёти ғилдираги олдинги итарувчи асосий қудратнинг бири фан-техника ривожи эканлигини яна бир бор таъкидлагим келади. Бу фикр — партиямизнинг сайловолди дастурида ҳам етакчи фикрлардан бири. Мен «Умид» жамғармаси танловларида эксперт сифатида ҳар йили иштирок этаман. Ёшлар ўртасида аниқ фанларга қизиқиш йилма-йил сусайиб бораётгандек. Бу ҳол мени қаттиқ ўйлантиради. Умуман, фан, маориф, таълим-тарбия соҳасида кўп нарсалар тамомила такомиллашиши зарур деб ҳисоблайман. Баъзи мактабларимизда ўқиш шароитлари аъло даражада. Аммо шундай мактаблар борки, ўша аъло билан қиёсланганда анча ночорлиги, эътибордан четда эканлиги сезилади. Бундай нотекислик мактаблар девори ичида қолиб кетмайди. Эртага миллатимиз тафаккури, амалида акс этади. Шунингдек, олимлар меҳнатига муносабат ҳам илм-фан ривожида акс этади. Шундай экан, бу масалалар билан боғлиқ вазифаларимизни яна бир карра нигоҳдан ўтказайлик. Хориж партиялари билан тажриба алмашинишини йўлга қўйиш ҳам фойдадан холи эмас.

**Муаттар АСҚАРОВА:** — Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» кўрсатуви муҳаррири, ҳуқуқшунос: — Партиямиз ишлаяпти, янги синовларга чоғланяпти. Партияни кўзга кўрсатадиган, танитадиган, унга обрў, шаън келтирадиган унинг ишлари бўлади, албатта.

**Давоми иккинчи бетда**

## ҚУРУЛТОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров партия олдида турган муҳим вазифалар ва унинг сайловолди Дастури тўғрисида батафсил маълумот берди.

Матбуот конференциясида таъкидландики, ўн минг нафар аъзога эга бўлган партия Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муқобиллик асосида Иброҳим Ғафуров номзодини кўрсатишга қарор қилган эди. Лекин партия Президентлик номзоди учун «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини (125 минг сайловчи имзоси) тўплашга муваффақ бўлмади. Бу ҳақда қурултойга ахборот берилди.

Шу сабабли Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қурултойи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Иброҳим Ғафуров журналистларнинг сайловларга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб қайтарди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Миллий тикланиш демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланганини ҳам маълум қилди.

**ЎзА.**

## XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

**●ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

**●УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА

**ОБУНА БЎЛИНГ!**

ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



**— «Мен «Миллий тикланиш»ни доим ўқиб бораман. Шундан миллатимизни, йўлимизни ва ўзимни яхшироқ била бошладим, — дейди Барно Йўлдошева.**

**Шу куни янги таркибдаги ЎзМТДП Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.**

**Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.**

**Иброҳим Ғафуровни партия Марказий Кенгашининг раиси ва «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири этиб тасдиқлади.**

**Иброҳим Абдуғаниев Марказий Кенгаш раисининг ўринбосари, Муқимжон Қирғизбоев ва Озод Отамирзаев Марказий Кенгаш котиблари, Муроджон Носиров ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» котиби этиб сайландилар.**

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ Иброҳим АБДУҒАНИЕВ



1953 йилда Тошкент вилоятида туғилган. 1975 йилда Тошкент Автомобил йўллари институтини битирган. Тошкент шаҳар ободончилик бошқармасида мастер, муҳандис, автотранспорт бошлиғи бўлиб ишлаган. «Кибернетика» институти илмий ходими, ЎзФАда илмий котиб, Тошкент Автомобил йўллари институтида кафедра мудири бўлган. Иқтисод фанлари доктори. 1995 йилдан Ўзбекистон таълим ва фан касаба уюшмаси марказий Қўмитасининг раиси. ЎзМТДПнинг ташкилотчиларидан бири. Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси.

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОТИБИ Озод ОТАМИРЗАЕВ



*1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1962 йили ТошДУни тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи географ. География фанлари доктори. Профессор. ТошДУда катта илмий ходим, катта ўқитувчи, аҳолишунослик лабораториясининг илмий раҳбари, кафедра мудири бўлиб ишлаган, 1998 йилдан буён «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш лабораторияси илмий ишлари бўйича директор муовини, Аҳолишунос олим.*

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОТИБИ Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ



1948 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган, 1973 йилда Андижон педагогика институтини битирган. Мутахассислиги — тарих ўқитувчиси. Тарих фанлари номзоди. Андижон педагогика институти тарих кафедрасида ўқитувчи, кафедра мудири бўлиб ишлаган. Партия иш тажрибасига эга. Кейинги йилларда аппаратда, «Камолот», «Умид» жамғармаларида хизмат қилди. 1998 йилдан буён Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Сиёсатшунос. Доцент.

## «МТ» АХБОРОТИ

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчисининг ўринбосари доктор Андреас Протманни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик қизғин паллага киргани, сиёсий партияларнинг ҳозирги замон жамиятида Демократик ўзгаришлардаги ўрни, ЎзМТДПнинг сайловолди дастурининг ўзига хосликлари устида борди.

**Ўз мухбиримиз**

# ТИКЛАНИШ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРЗУСИ

**Иброҳим ҒАФУРОВНИНГ ЎзМТДП II ҚУРУЛТОЙИДА СЎЗЛАГАН МАЪРУЗАСИ**

ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТНИНГ ҲОЛАТИ унда туғилаётган, кўз очаётган, ҳаракат қилаётган, одамларни жалб ва машғул этаётган, ҳаракатга солаётган ғоялар билан ўлчанади. Жамиятнинг ҳарорати шу ғояларни халқ — ҳозирги демократик замоннинг тили ва тушунчаси билан айтганда, фуқаролар қандай қабул қилаётганлиги билан белгиланади.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИГА бир назар ташлайлик. Мустақиллик шароитида давлатимизда умуммиллий ривожланиш тенденциялари мустаҳкамланиб бораётганлиги ва эволюцион тарзда тезлашаётганлиги, бир босқичдан иккинчи босқичга талофатларсиз, тўнтаришларсиз, катаклизмларсиз ўтаётганлиги кўзга ташланмоқда. Эскирган ҳодисаларнинг чириши, янги воқеликнинг барқарор хусусиятлар касб этиши — тадрижий такомил деган ҳодиса бугунги Ўзбекистон жамиятида характерли тус олмоқда. Президент Ислом Каримов истиқлол йиллари давомида мамлакатга раҳбарлик қилиб мамлакатни тўғри йўлга солди. У Ўзбекистон давлати тўғри, истиқболли йўллардан бориши учун кўп саъй ҳаракатлар қиляпти. Етаклаб Ўзбекистонни дунёга олиб чиқяпти. Халқнинг бугуни ва эртасини ўйлаб унинг маънавияти устида қайғуряпти. Мустабидликнинг чирик, ачимсиқ тўзонлари ичидан ёруғ кунлар, мунаввар келажакка олиб чиқиш учун тер тўкяпти, Халқимизнинг умумий аҳволига кўз ташлайлик. Бу ўринда аҳоли демайлигу халқ деб қўллайлик: халқнинг маълум бир қисм қатламларида истиқлол билан яшашга интилиш кучайиб бормоқда. Бу қисм истиқлолни англашни ўзини, ўз қадр-қимматини, шаън-шавкатини англаш деб тушунмоқда. Ва ўз соҳаси зинасида туриб истиқлолнинг кучайишига хизмат қилмоқда. Жамият шуларнинг саъй-ҳаракатлари билан нурланиб туриб, файз, обрў-эътибор топмоқда. Аҳолининг иккинчи бир қисми бозор иқтисоди ва ислоҳотлар очаётган эшикларда гуриллашиб турибди. Эшиклар уларга жуда жозибали бўлиб кўринмоқда. Улар самимий инсоний қизиқиш билан бозорга интилмоқдалар. Лекин улар бозор иқтисодининг эшиклари ортида нималар борлиги, унда нималарга дуч келишлари ва бунда қандай иш тутишлари тўғрисида равшан, яққол тасаввурга эга эмаслар. Ҳозирги замон йўналтирилган бозори ғиж-ғиж илм асосига қурилган. Бозор эшикларида тўдалашаётган бу кишилар ҳали ана шу мураккаб ва мафтункор бозор илмини эгаллаган эмаслар. Улар бу эшиклар олдига ибтидоий тасаввурлар билан етиб келганлар. Булар халқнинг, аҳолининг каттагина қисмини ташкил этади. Жамият мана шу қисм аҳолини бозор йўлида ҳақиқий маънода тикласа, уни бозор илмининг эгасига айлантирса, уларни ҳам ҳозирги замон бозор маърифати — истиқлол руҳи билан яшаётган, истиқлол ғояларининг рўёби учун жон куйдираётган халқнинг биринчи қисмига қўша олади. Бу ҳолда истиқлол руҳидаги халқ кучаяди, унинг жамиятдаги мавқеи ортади, ўрта ҳаёт даражасига эга мулкдорлар, ўзига тўқ давлатманд оилалар, жамият манфаатлари учун кучли таъсир кўрсата оладиган шахслар, сиймолар, арбоблар етишиб чиқиши кўпаяди. Арбоблар етиштириш учун қайғурмайдиган, изланмайдиган, ўзини бундан тўлиқ манфаатдор деб сезмайдиган жамият — аслида жамият эмас. Жамиятнинг қудрати унинг арбоблар етиштириш қудрати ва қобилиятида ҳамдир.

Энди аҳолимизнинг учинчи бир тоифасига келайлик.

На бозор эшигини тополмай ва на истиқлол руҳини англаб-англолмай кун кечираётган маълум бир тоифалар ҳам йўқ эмас. Бу тоифалар аҳолининг барча қатламлари орасида ҳам бор, десак хато бўлмас. Истиқлолдан кейинги ўтган йилларда гарангсираб турган бу тоифа одатда истиқлолга, миллий тараққиёт ғояларига скептицизм — ишончсизлик билан қарашга мойил, улар ҳали ҳанузгача ҳам жамиятимизда бораётган ўзгаришларга томошабин бўлиб турадилар. Эркинлик озодлик, мустақиллик самараларидан тўла фойдаланадилару лекин ҳокимликлар, жамиятлар, жамоатлар, марказлар, сиёсий партияларнинг ишларига лоқайд қарайдилар, четдаги одам кўзи билан кузатадилар, баъзан истеҳзолар ҳам қиладилар. Кўп кузатганмиз ҳаммамиз ҳам уларни: ўтмиш арзончиликларини қўмсайдилар, собиқ иттифокда Кушкадан Камчаткагача ўйнаб юрган пайтларини кўзларда нам билан эслайдилар. Демократия деса, тумтаядилар ёки унинг масхарасини чиқаришга, унинг устидан кулишга, демократиянинг яқинига йўламаган нарсаларни демократия деб кўрсатишга уринадилар.

Мустабид тузум шароитидан эркин демократик жамият сари ўтишда бу ҳоллар ҳаммаси табиий бўлиб кўринади. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Бу босқичнинг туб моҳиятини англаб уни оқил, одил, собир инсонлар каби енгиб ўтишга тўғри келади. Учинчи тоифани ҳам ҳаёт ва истиқлолнинг ғолиб руҳи тарбият қилар деган умид бизни тарк этмайди. Биз истиқлол, Ватан тараққиёти, халқимизнинг озод, фаровон ҳаёти учун курашда Ўзбекистон яхлит миллат бўлишини истаймиз. Умуммиллат даражасида бу ҳодисалар мангу ўзгармас қадриятлардир. Мангу қадриятларга кескин, оғишмас ирода билан хизмат қилгандагина биз қатъиятли, ўз мақсадларига интилиб етувчи халқ сифатида намоён бўламиз.

Худди мана шу ўринда биз сиёсий партиялардан ҳал қилувчи ишларни кутамиз.

ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ БИЗГА бу ғояларнинг ҳаракати, халқ қатламларида акс этган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий манфаатларнинг ҳаракати бўлиб кўринади.Партиялар қарашларни сиёсатга, сиёсатларни давлат қурилишига, давлат қурилишларини охир-оқибат фаровонликка айлантирадилар. Улар аслида шундай сиёсий ирода билан майдонга чиқадилар. Партия ҳаракат қилиш учун майдонга чиқади. Инсоният ҳали ҳанузгача ухлаш ёки айрим журналистлар таъбири билан айтганда, мудраш учун тузиладиган партияни билмайди.

Миллий тикланиш партиямиз истиқлол ғоялари ва нашидаларидан руҳланиб дунёга келди. Истиқлол етиштирган энг улуғ ғоялардан бири — миллий тикланиш ғоясини ҳаётда, сиёсатда амалга киритишни орзу қилиб жамият ичига кирди. Миллий тикланиш бутунисича кишилардан зиёли руҳдаги ҳаракатларни тақозо қилади. У маълум даражада зиёлилар, зиёлиларнинг бағрида, ақлининг қаватларида етиладиган қадриятлар партияси бўлиб ишлашга ваъда қилади. Президент Каримов ташаббуси билан мамлакатда катта ҳаракатлантирувчи кучга айланган маънавият сиёсати ҳам Миллий тикланиш демократик партиясининг пайдо бўлишига табиий замин яратди. Миллий тикланиш партияси маънавият сиёсатининг маҳсули, унинг олижаноб мевасидир. Ўтиш даврида зиёлиларнинг энг қутлуғ иши — зиёлилар олиб бораётган зарур ишлардан бири — маънавият ва зиёли қарашларнинг халқ ичида жонли томир отишига эришишдир. Партиямизнинг фаоллари, етакчилари, айниқса, унинг «Миллий тикланиш» газетаси бу йўлда жон куйдириб ғайрат билан иш олиб борди. Озод Отамирзаев, Рустам Жумаев, Зарифбой Дўсимов, Иброҳим Абдуғаниев, Абдумажид Зокиров, Ҳамид Зиёев, Иномжон Раҳимов, Кўчқор Хоназаров, Мирсодиқ Исҳоқов, Хидирназар Алланазаров сингари олимларимиз ва ижодкорларимиз тарихий онг, фалсафий онг, миллий онг ва миллий мафкура, иқтисодий тараққиётнинг муҳим йўналишлари, фуқаролик жамиятига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари, демократиянинг миллий онгда шаклланиши ва намоён бўлиши, аҳолининг партиямиз учун тадқиқ ва таҳлил қилишга, шу муҳим мавзуларни партиямиз матбуоти орқали халққа сингдиришга, партиямизнинг замон воқелиги борасидаги назарий-илмий ишланмаларини ривожлантириш, шунга замин яратишга интилдилар. Бу давр ичида Миллий тикланиш партияси жамиятдан ўз ўрнини топишга, ўзини танитишга, одамларнинг қимматли вақтларини ўғирламай уларнинг маънавий, илмий, сиёсий изланишларига кўмаклашишга уринди. Коллежлар, лицейлар, маърифат даргоҳларида ёшлар билан кўпдан-кўп учрашувларда ёшларимизда миллий тикланиш ғояларига қизиқиш ва рағбат уйғотишга ҳаракат қилди. Жамиятда миллий тикланиш ғоялари куртак отиб япроқ ёзаётган экан, бунда партиямизнинг ўз ажралмас улуши бор деб биламиз. Маънавият ва миллий мафкура негизларини яратиш ва мустаҳкамлашда партиямиз фаолияти самарали бўлганлигини бир карра таъкидлаб ўтамиз.

Албатта, партиямизнинг ички ташкилий фаолиятида маълум бир даврда айниқса, 1997 — 98 йилларда анча қийинчиликларга, ўзибўларчилик, ҳафсаласизлик ҳолларига дуч келганлигимиз, миллий тикланишга хос партиявий иш усулларини топишга қийналганларимиздан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Биз дуч келган қийинчиликларнинг бари маблағ билан, керакли одамларнинг партия ишига жалб этиш билан чамбарчас боғланган қийинчиликлар эди. Бу қийинчиликлар ҳамон партиямиз рўбарўсида кўндаланг бўлиб турмоқда. Лекин 99-йилда ўз сафларимизни тўлдириб, янгилашга киришдик. Кўп ташкилотларимизда ташкилий ишларни кўриб чиқдик. Лекин қийинчиликларимизни ҳали тўла енгиб ўтолган, муаммоларимизни қониқарли тарзда бартараф этолган эмасмиз. Партия маблағсиз яшолмайди ва тўлақонли иш олиб боролмайди. Миллий тикланиш партияси нимага, нима ҳисобига яшайди ва фаолият олиб боради? — деган кўндаланг саволга жавоб топишга тўғри келади. Бундан кейинги ҳаётий, сиёсий манфаатларимиз шуни қатъиян тақозо қилади. Ўз олдига жуда катта мафкуравий, тарбиявий, сиёсий мақсадларни қўйган партиянинг бу борада зорланиб ўтиришига ўрин йўқ.

Биз партиямиз энг қийин пайтларни бошидан кечирганда ҳам ёлғиз қолганимиз йўқ. Шундай чоғларда «Миллий тикланиш» ўзагимиз бўлиб бошимизни қовуштириб турди.

Ёши 93 га кирган геодезия олими Қодир Норхўжаев миллий тикланишимизга худди жўшқин пионерлардай хизмат қилиб келмоқда, маънавият ва маърифат тимсоллари ҳақида газетанинг ҳар сони учун ўтириб мақола ёзмоқда. Ҳамид Зиё, Азиз Қаюмов, Асомиддин Ўринбоев, Омонулло Бўриев, Ғулом Каримов каби олимлар, шарқшунослар миллий тикланиш учун тарихимиз саҳифаларидан ҳақиқат ва нур изламоқда. Ортиқали Қозоқов, Гулнора Раҳмон, Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Қутлибека Раҳимбоева, Муяссар Раззоқова ёркин ижодий публицистик, санъаткорона изланишлари билан миллий тикланишимизнинг зиёли муҳитини мустаҳкамламоқдалар. Бизга Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Шарқшунослик институтлари, «Халқ сўзи», «Ҳуррият», «Саодат» сингари нашрлар ҳар дамда мададкор қўлларини узатмоқдалар. Давлат ва жамият қурилиши академиясининг жуда кўп тингловчилари «Миллий тикланиш» саҳифаларини энг замонавий илмий қарашлар билан бойитмоқдалар ва миллий тикланиш қўрикхоналаридан илғор сиёсатшунослик, жамиятшунослик, актуал социологик тадқиқотларга чиқмоқдалар. Биз бундай чиқишлар, изланишлар, мададкорларни жуда юксак қадрлаймиз.

Бу гапларни мен миллий тикланиш ғоялари, изланишлари зиёлиларимиз, халқимизнинг фикрловчи қатламлари учун нақадар қимматли эканлигини яна бир карра съездимиз минбаридан туриб таъкидлаш учун айтмоқдаман.

Биз ёшлар, хотин-қизлар, барча юрт дардини ўйловчи, ҳаракатга муштоқ кишилар давраимизга келишларини истаймиз.

Ёшларнинг ишончини қандай қозонамиз? Қандай қилсак улар ғояларимизга эргашадилар? Бу каби саволлар бизни ҳамиша ўйлатади.

XXI аср келаяпти. Янги шаҳарлар қурсакмикин? Нигоҳимизни Турон текисликлари, Устюрт, Қизилқумларга солсакмикин? Аждод-боболаримизнинг бу қадим маконларида нега олимларимиз, ёшларимиз билан ишламаймиз? Нега бу ерларда XXI асрнинг ҳақиқий дурдона шаҳарларини қурмайлик!

Ёшлар юрагига нега шундай замонавий оппоқ шаҳарлар яратиш ишқини солмайлик? Шундай дурдона шаҳарлар яратиш, илмий изланишлар олиб боришга даъваткор бўлиб чиқсак ҳақиқий миллий тикланиш намоён бўлмайдими?

Ҳа, миллий тикланиш Устюртни — қадим Туронимизни обод шаҳарлар, туганмас хазиналар юртига айлантириш ғояси билан чиқади. Бу XXI асрнинг энг улуғ ҳаракати бўлади.

Одамларни демократияга тайёрлаш, демократик принциплар асосида яшаш ва ишлашга ўргатиш ҳозир ҳам, кейинги бир неча йилларда ҳам энг долзарб вазифалардан бўлиб қолади. Президентимиз ҳаётимизнинг соҳаларини либераллаштириш масаласини жамият олдига қўйди. Миллий тикланиш партияси фуқаролар онгини фаоллаштиришга, уларни фуқаролик жамиятида яшашга тайёрлашга, фуқаролик жамиятининг ижодкори бўлишларига етакчи аҳамият беради. Яқин 20—30 йил мобайнида бу бизнинг энг устун вазифаларимиздан бўлиб қолади. Эркинлаштириш аввало одамларнинг онгини ўзгартириш, қарашларини янгилаш, цивилизация замони даражасига кўтариш билан бўлади. Инсон табиатан ғоятда мураккаб механизм каби яратилган. Биз унинг дунёсига зўракилик билан, сохта пафос ва сохта кўтаринкилик билан кириб боролмаймиз. Партиямиз келажак кунларда одамлар онгини ўзгартиришга қанчалар муваффақ бўла олади. Биз бу ишимизда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг фуқаро жамият олдида мажбуриятларга эга деган машҳур қоидасидан келиб чиқамиз. Фуқаро жамият олдида бурчли экан, у ўзгариш, ўзини яхши томонга, муносиб яшаш тарзига ўзгартиришга ҳам бурчлидир. Биз ўз бурчини яхши англаган инсон онгли, ўз ҳаётини яхшилик сари ўзгартиришга қодир инсон деб биламиз. Ва одамлар ўртасида ишлаганда шунга суянамиз. Биз умуммиллий бирлик ғоясини дастуримизнинг асосига қўйганмиз. Уни тараққиёт асоси деб биламиз. Фақат умуммиллий бирлик таҳдидларга қарши буюк қуролдир. Бу гўзал ҳодиса фақат тарбия билан юзага келади. Бунинг учун биз барча миллий қурилиш ишларимизни илм-фанга суяниб олиб боришимизни тақозо этади. Биз илмнинг кучини миллий қурилишда ва миллий қурилишнинг кучини илмда синаш йўлини тутамиз ва шу йўлдан оғишмай борамиз.

Умумиллий бирликка миллий тикланиш ғояси воситасидагина эришилади. Шунинг учун биз миллий тикланиш онгини яратиш йўлидан борамиз. Халқ ўртасида миллий тикланишга нуқтаи назарларни шакллантиришни кучайтирамиз. Биз шу йўл билан ва шу тариқа умумманфаати учун ишлашни доимий зарурат деб қараймиз. Миллий мафкурамизни барча зиёлиларнинг қудрати билан шакллантиришга ҳиссамизни қўшар эканмиз, миллий тикланиш нуқтаи назари ва миллий тикланиш дунёқарашини яратиш унга қўшилган катта ҳиссамиз бўлади деб ишонамиз. Халқларимизнинг миллий тикланиш ғоялари билан яшаши, иш юритиши уни жаҳоннинг бадавлат халқлари қаторига олиб чиқишига ишончимиз комил.

Биз ҳар қандай экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик сингари бузғунчиликларга қарши ҳам миллий тикланиш мафкураси энг ишончли, кучли, еңгилмас қудрат бўлиб майдонда туради деб қараймиз. Чунки бу ярамас иллатлар онгларнинг таназзулидан, жоҳиллашуви ва ибтидоийлашувидан келиб чиқишини кўриб, билиб, ҳис қилиб турибмиз. Миллий тикланиш ғояларида демократик принциплар, инсон асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўла тантанаси мавжуд деб биламиз. Миллий тикланиш ғоялари турли ижтимоий, маиший етишмовчиликларни бартараф этишда юрагимизга ҳамиша мадор бўлади.

Биз сиёсий маданиятимиз ва умуммиллий маданиятимиз миллий тикланиш руҳида равнақ топишини орзу қиламиз. Шунинг учун биз равнақ йўллари ва усулларини қидирамиз. Миллий маданиятимиз бир жойда туриб қолмаслиги, қидиришдан чарчамаслиги зарурлигини ҳар доим ёдимизга солиб турамиз.

Шуни унутмайликки, бизнинг маданиятимиз дунё маданиятига пайванд маданият. Қадим аждодларимиз Шарқ ва Ғарб маданиятига жўр бўлиш, ҳамоҳанг бўлиш ва бундан ҳам ўтароқ пешрав бўлишга интилганлар. Имом Бухорийдан Беҳбудий ва Чўлпонгача, Навоий, Бобурдан Машраб ва Қодирийгача дунё маданияти ҳосилаларидан баҳрадорликни тарғиб қилиб келганлар. Улар жаҳон маданиятига пайравликдан пешталқин намоянда даражасига кўтарилганлар.

•Жаҳон цивилизациясига пайванд бўлиш бизга аждодларимиздан мерос йўлдир. Цивилизацияларга пайвандланиб, ўз навбатида оригинал цивилизация яратиш бу — тикланиш фалсафасидир. Пайвандлик миллий тикланишимизнинг озуқ томиридир.

Пайванд бўлиш — ранг-баранг, кўпқиррали, кўпхоҳишли, кўпқарашли дунё билан томирдош эканлигимизни ҳар доим ҳар нафасда сезиб турмоғимиз учун ҳам керак! Миллий тикланишда нақадар зарур бу пайвандлик! Энг ҳосилдор йўл бу пайвандлик! Бу француз Эйфел минораси юксаклигидан жаҳонга қарайди. Италян Пиза минорасидан дунёнинг узоқ бурчакларини кўради. Ўзбекнинг Эйфелдан, пизадан қолишмайдиган миноралари битта эмас. Биз Жарқўрғондан қарасак ҳам Шарқнинг у чеккаларини кўра оламиз. Биз Тўрабекхоним минорасидан қараб ҳам не-не уфқларга кўзимиз етади. Бухоро, Самарқанд, Хива миноралларини айтмай қўя қолай! Бўй ўлчашсак бўйимиз бор!

Биз миллий тикланишда пайванд фалсафасига амал қиларканмиз, меъёр асосий нарса эканлигини ҳам асло унутмаймиз. Ва Абдулҳамид Чўлпон билан бирга баралла айтамиз: бизга ортиқча ғарблилик ҳам керак эмас. Ва бизга ортиқча шарқлилик ҳам даркор эмас. Биз шулар ўртасидаги гўзал меъёрни қаттиқ тутамиз. Янги миллий образимиз, янги миллий қиёфамиз, янги миллий тимсолларимизни шу пайванд ва меъёр асосида яратамиз.

Ва ниҳоят. Партиямизни сайловда ким ютади? — деган савол ўйлатади. Бу бекорчи савол эмас. У ҳозир барча сайловчилар ва сайлов иштирокчиларининг хаёлини машғул қилиб турибди. Сайловларга тайёргарлик ишларининг чўғига қарайдиган бўлсак, биз сайловларга етарлича пухта тайёргарликни ҳар томонлама кўрдикми? — деган савол ҳам бизни безовта қилмай иложи йўқ.

Мени бир нарса андак қаноатлантиради: биз чамаси номзодлар командасини ярата олдик. Чамаси, сайловларда ҳал қилувчи сўзни партиялар илгари сурган номзодлар айтадилар. Сайловчиларнинг ҳал қилувчи овозини улар оладилар. Улар сайловчиларни жозибадор ва илмий аниқ ғояларимизга чин дилдан ишонтира олсалар, ўз шахсий дастурлари билан ҳурмат-эътибор қозонсалар, унга қизиқиш уйғота олсалар, овоз ҳам уларники бўлади.

Сайловчининг овоз беришига жуда кўп факторлар ўз таъсирини ўтказади. Лекин фикрловчи сайловчи ўйлаб, чамалаб кўради: мен овоз бераётган номзод беш парламент вақтини бекор ўтказмасмикан? Унинг беш парламент йили мамлакат зиёли ҳаётида бир сезиларли из қолдирармикин?

Номзодлар танлаш ва кўрсатиш жараёнлари кўппартиявийликнинг жамият ҳаётида нақадар зарур ва ўта прогрессив ҳодиса эканлигини яна бир карра намойиш этди. Сиёсий партияларнинг номзодлари орқали халқнинг қанчадан қанчалаб салоҳиятли кишилари юзага чиқяпти. Қанчадан-қанча одамлар ўзларини умумдавлат, умумдемократик ишларига дахлдор деб ҳис қиляпти. Ўзларини етакчилик масъулиятига ўргатяпти, Мана шунда сиёсий партиялар ҳақиқий арбобларни етиштириб берувчи мактаб эканлигига яна бир карра амин бўлади киши.

Биз иқтисод, молия тизимлари, адолатли солиқлар, хўжалик юритишнинг ёркин усуллари, яшаш меъёрлари ҳақида кўп жозибали ғояларни, лойиҳалар, дастурларни ўртага қўйишимиз мумкин. Бунга партиямизнинг салоҳияти етади.

Лекин агар амалиётимиз бўлмаса, булар бари партия амалиётида акс этмаса, сиёсий амалиётга айланмаса, унда мафтункор лойиҳалар, дастурлар, ғоялар қайда қолади, қандай таъсир кучига эга бўлади?

Шунинг учун сўзимиз сўнггида содда қилиб, тикланиш бу — бошдан оёқ амалий иш десак, бу ерда айтган барча гапларимиз янада тушунарлироқ бўлади.

Ислом Каримов етакчилигида яшнаб, яшариб, ўз истиқболи сари дадил ишонч билан бораётган бугунги диёримизга қараб туриб Навоийнинг машҳур сатрларини яна бир карра ёдга олгимиз келади:

**Кўюнг борида қилмон**
**жаннатга гузар ҳаргиз,**
**Қаддинг қошида солмон**
**тўбига назар ҳаргиз...**

Биз бугун юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимизни шундай — Навоийча ифода қилгимиз келади.

# КУЧНИ ЮРТДАН ОЛАМИЗ

**Боши биринчи бетда**

Мен бунга дахлдор — ҳал қилиниши зарур бўлган қандай муаммоларни ҳис этаяпман?

Ўзингизга маълум, мен майиюн ойларида 16 февралда Тошкентда содир этилган қўпорувчилик, террорчилик, суиқасдда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан олиб борилган суд жараёнида иштирок этдим. Айбланувчиларнинг аксарияти ишсиз, эътиборсиз, қаровсиз юрганда алдов тўрига тушган. Уй мустаҳкам бўлса, зилзила хатарли эмас, деган гап бор. Уйни мустаҳкамлашнинг асосий йўлларидан бири ёшларимизни иш, ўқиш билан банд этиш. Яқинда Бухоро вилоятининг Пешку туманига бир шикоят юзасидан текширувга бордик. Битта масъул лавозимдаги жаноб давлатнинг 4 миллион сўм пулини бемалол ўзиники қилиб олибди. Айни ўша жойда жуда кўп ишсиз ёшлар ҳатто меҳнат бандлиги билан шуғулланувчи ташкилот борлигини билишмайди. Бу ташкилотда эса 36 миллион сўм пул ўзлаштирилмай ётибди. Ана сизга амалдорлар, масъул иш ва уларга муҳтожлар орасидаги ҳаётий манзара. Демоқчиманки, ҳамма жойда кадрлар кўп нарсани ҳал этади.

Яна бир муаммо. Аёллар билан боғлиқ. Биз жуда катта яхшиликларни ҳис этиб турибмиз. Аммо Аёлга фарзанд тарбияси ва ўзи учун жуда зарур бўлган иш соатини 2 соатгина қисқартиришга эриша олмаяпмиз. Масалани бу борада конкрет қўйишим балки бугунги мураккаб шароитда бироз ғалати туюлар. Аммо истаса, ҳамма чигалнинг ечими бор. Айниқса, бугун—эрку ихтиёримиз ўзимизга ўтган замонда.

Мен Миллий тикланиш партияси аъзоси сифатида ана шу саволлар ичида яшаяпман.

**Бахтиёр Мўминов** — ЎзМТДПнинг Фарғона вилояти кенгаши раиси:

— Биз ўз аъзоларимиз билан жойларда партиямизнинг сайловолди дастурини анча кенг муҳокама қилдик. Дастур кўнглимиз харитаси. Унда бизга бегона чизгилар йўқ. Аммо муҳокамаларда тушган бир-икки конкрет таклифларни айтмоқчиман. Аслида бу ҳам дастуримизнинг умумий йўналишларида бор.

Мактаб ўқитувчиларига мактаб орқасидан кун кўрувчи касб эгаси сифатида эмас, келажак эгаларини камолга етказувчи асосий куч сифатида ҳақ тўланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозир бизга берилган тавсия асосида ҳар синфда 36 нафар бола ўқийди. Бу дегани муаллим ҳар болага дарс мобайнида ҳатто 2 дақиқа ҳам вақт ажрата олмайди, дегани. Бу нарса таълим, тарбия даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Албатта, мен энди айтмоқчи бўлганим — буғдойнинг харид нархини кўтариш таклифим ҳам, айтганим — маорифга тегишли масалалар ечими — маблағлар билан боғлиқ.

Ҳар ҳолда биз сиёсий куч сифатида яшашга чоғланган эканмиз, халқ эҳтиёжларини шу тарзда заррама-зарра ўрганишимиз, билишимиз керак.

**Муқимжон Қирғизбоев** — Ўзбекистон Республикаси Давлат ва Жамият қурилиши Академияси кафедра мудири:

— Барча айтилаётган фикрлар бизни такрор-такрор бўлажак сайловга етаклайди. 1999 йил 5 декабригача унча кўп муддат қолгани йўқ. Партиямиз номидан майдонга тушаётган ҳар бир номзодимиз ҳар жиҳатдан мустаҳкам тайёрланиши керак. У сайлов ҳақидаги қонунларни ўзига асосий таянч ҳисобламаса, ҳар хил ҳолатларга тушиши мумкин.



Албатта, номзодларимизнинг ғолиб чиқиши — бирламчи мақсадимиз.

Аммо бу сайловда катта сифат ўзгариши юз берганини дунёга намойиш этиш, демократияга қодир миллат эканимизни исботлаш — бу бирламчи мақсадимиздан ҳам устунроқ мақсаддир.

1. Ҳар бир ишсиз — Давлат учун катта муаммо.

2. «Миллий тикланиш» миллатимиз қалбида йиллар давомида ер бағирлаб қолган, энг азиз туйғуларни тиклашга бел боғлаган, аммо у миллатчи партия эмас.

3. — Бизнинг партиямиз аслида прогрессив бўлган бозор иқтисоди юзага келтирган шафқатсизликка (чунки унинг яшаш қонуниятлари шундай, кучли енгади, кучсиз синади) малҳам бўлгувчи ғояларни ўзига қонтомир қилган.

«Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири ўринбосари шоир **Мирпўлат Мирзо,** тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқов, «Ҳуррият» мустақил газетаси Бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати **Хуршид Дўстмуҳаммадлар** ҳам музокараларда ана шундай фикрлар билан иштирок этдилар.

— Мен ҳамма сўзловчиларни диққат билан эшитдим. Албатта, ҳар бирингизнинг сўзингиз илдизи миллатимиз юрагида. Аммо ҳар бир партия ўз миллатининг яловбардори бўлиб тарих саҳнасига чиқади. Миллатга ғамхўрлик, меҳр баробарида уларга биз бу озодликка 150 йил қаҳратон, изғиринлар кечиб, зор бўлиб етганимизни ҳам қайта-қайта укдириш сизу бизнинг бурчимиз.

Мен мактабга ялангоёқ борганман. Бир тишлам нон илинжида шишиб ўлган миллатдошларимни кўрганман. Урушлар, қатлу қатоғонлар, камситиш, хўрлик, ҳақорат — бари-бари юрагимда қат-қат бўлиб ётибди. Мен гарчанд 60-йиллардан сўнг бизнинг бутун шарбатимизни сўриб, сиқилган анордай этиб «пуф»лаб ташлаб, эрта тонггача яна қимирлашимиз учун гўшту шакар берган Шўро тузумининг бир кунини ҳам умрим ҳисобига қўшгим келмайди.

Оппоқ сочларим билан бу дунёга келиб 9 йил яшадим ҳозирча, дегим келади.

Азиз маслакдошлар! «Миллий тикланиш» партиямиз номининг ўзи ҳар биримиздан чек-чегарасиз фидоийликни сўрайди.

Биз халқимизни озодлик энг аввало маънавий бойлик, неъмат эканига ишонтирайлик. Жондан кечиб, жон узиб ишонтирайлик!

Бутун умр миллатимизнинг шаъни учун собит курашиб келган **Ҳамид Зиёев**нинг тўлқинли даъвати қурултойга ўзгача руҳ берди:

— Она Туркистонимиз ўз умрининг 400 йилини турли давлатларга қарамлик, мутеликда эгилиб, синиқиб яшади. 300 йилини ўзаро низоларда — хонликлар талашида кечирди. Энди яшамоқ, ўз ор-номусимиз учун курашмоқ пайти келаганда улканлашайлик, майда-чуйдалардан юқорига кўтарилайлик!

Эҳтимол, ЎзМТДП II қурултойининг бир баландлаган жойи Президентлик сайловига Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш лаҳзаси бўлса, яна бир кўтарилиши — авжи Ҳамид Зиёевнинг сўзи бўлди.

1999 йил 5 декабрда бўлажак Олий Мажлис депутатлари сайловларида қатнашиш учун ЎзМТДПнинг номзодлар рўйхати тасдиқланди. Тафтиш комиссияси раиси Абдуғафур Расулов ҳисоботи эшитилди.

Марказий Кенгашнинг янги таркиби тузилди.

— Биз ўз партиямизга Қақнус қуши тимсолини эмблема сифатида олишни маъқул кўрдик. Бу қуш 500 йил яшар экан, сўнг ёниб кул бўлиб, яна ўз кулидан сеҳрли сайраб тирилиб чиқаркан, — дея эмблемага шарҳ берди ЎзМТДП раиси **Иброҳим Ғафуров**.

Партия эмблемасини тасдиқлаш, «Миллий тикланиш» газетасини кадрлар ва маблағлар билан мустаҳкамлаш, одамлар орасига кўпроқ кириб боришни таъминлаш масалалари ҳам босиқлик билан ўртага ташланди, ЎзМТДПнинг **«Ёшлар қаноти»** тузилди.

Партиянинг II қурултойи қарорларини қабул қилишда ҳам делегатларнинг ҳамфикрлиги, якдиллиги, зиёли эканлиги сезилди.

Одатда йиғинлар охирида баъзиларида ҳорғинлик сезилади. Чеҳраларга «Тезроқ, тезроқ!» деган бетоқатлик қалқийди. Мен шундай пайт келганда иштирокчиларни кузата бошладим:

Зокиржон Машрабов — Халқаро Бобур экспедициясига бошчилик қилган ажойиб ташкилотчи инсон — хаёлчан, хаёллари остидан бир шаҳд кўтарилиб келаётгандек. Устозимиз Холида Аҳророва нутқлардан кўзларида қалққан нур билан ўтирибдилар... Шоира Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова, севимли санъаткоримиз Муяссархоним, фарғоналик истеъдодли шоира Шоҳсанам... яна қанча таниш, нотаниш чеҳралар. Аммо барчасининг юз-кўзларидаги бир ўхшашлик: «Энди янаям бошқачароқ яшаш керак» деган бир маъно бор.

Эрк йўлида курашиб, эрк ҳасратида кетган гўзал шоиримиз Чўлпоннинг:

**Бутун кучни халқ ичидан олайлик!** —
деган ундови янгради
қурултойда!

Эзгулик, мунавварлик, тикланиш курашларига чоғланган партия Қурултойи ана шу ундов руҳи билан якунланди.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

# МУСФЕРАНИНГ КЎЗЛАРИ

*ёки Адибахонимга асосли далил*

Яқинда ҳамкасбларимиздан бири хориждан қўнғироқ қилди. Аёл нега ўз жонига қасд қилади, деган савол атрофида сўровлар, тадқиқотлар қилаётган экан. Ўрганишларига қараганда, кейинги пайтларда баъзи давлатларда аёллар орасида ўз жонига ўзи қасд қилиш ҳодисаси кўп қайд қилинган Ҳамкасбимиз изоҳ сўради.

«—Аёлларимиз қалбида катта мақсадлар туғилмоқда. Ким улкан мақсад билан яшаса, қийинчиликларга бардош беради, ирода, сабр билан яшайди. Қаттиқ курашади. Жони, ҳаёти ўзига қадрли бўлади. Кимнинг мақсади майда бўлса, фожиалар баҳайбат кўринади, жони эса арзон туюлади», тарзида изоҳ бермоқчи бўлдим. Ҳамкасбимиз шубҳаланди. Мен қизишдим. Одам қизишганда равшан фикрлай олмайди. Мана бу аёл Ватанимиз озод бўлгунча мана бундай хаёллар билан яшар эди, энди мана бундай ўйлаяпти дея, нега далилли, аниқ гапирмадим, деб қисила бошлаган кунларим эди, Мусфера кириб келди. Яшариб, чиройли бўлиб кетибди.

Биз 80-йилларда Мусфера Мунавварова билан ижарада бирга турганмиз. Ҳар бир воқеага ўз нуқтаи назари бор, давраларда фикрини айтишга, айтганини ҳимоя қилишга мойил, курашчан, собит қиз эди. ТошДУнинг журналистика факултетида кечкида ўқирди. Ҳамманинг буйруғига ҳадеганда «лаббай» дея олмагани учун ҳар қандай идора, ҳар қандай одамлар орасида ишлаб кетолмасди. Қийналиб юрарди.

Мусфера мендан анча кичик бўлса-да дўстлардай суҳбатлашар, баҳслашардик. Шўро сўнгги кунларини яшаётган пайт — ўлимолди талваса деганларидай, жамиятимизда юраксикди ишлар кўп эди. Порахўрлик, алдов, тўрачилик... Ўз жонига қасд қилишлар ҳам рўй берар, айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё тарафлардан келарди.

— Сўзинг ерда қолса, курашинг ўзингга зиён бўлса, элингнинг ярми кўрқоқ, ярми лоқайд бўлса, бор-ей, дегинг келади-да. Ким учун, нима учун яшайман, дейишса керак-да! — деб опа-сингил гапиришиб ҳам қўярдик.

Рост, одам бир зумгина ақл билан иш тутмаса, жони ҳам кўзига кўринмаслиги мумкин эди ўша пайтлар.

...Мана, шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Мусфера университетни битирар-битирмас Олимжон исмли қашқадарёлик шоир йигитга турмушга чиқиб кетди. Олимжонниям биламан — Мусферадан ҳам кескинроқ.

Мусфера билан икковимиз ҳам уй-рўзғорли бўлгач, ўзўзимиз билан андармон бўлиб, бир-икки бор учрашдик, холос.

Ватанимиз мустақил бўлгач, мана энди кўришиб турибмиз.

— Гулис қизим 8-синфда ўқийди, Гулруҳ 7-синфда. Бири ҳуқуқшунос, бири дипломат бўлмоқчи. Абдурауф ҳали бир қарорга келиб улгурмади, ёш-да.

Мусферанинг овози жаранглайди. У қизларининг ярим тунгача дарс қилишлари, дадасини қанақа ийдириб репититорга пул олишлари, хаёлпарастликларию ўжарликлари ҳақида завқ билан гапирди. Агар Мусфера шу тайёргарликлар билан қизларининг оёққа туриб кетишига ишонмаса, уларни ҳеч қачон бекордан-бекорга репititорма-репититор қўйиб қўймасди. Айниқса, бу ҳақда завқланиб гапирмасди. Бино қўйиб, суюниб гапираяптими, демак, ўзи қизларининг келажагига бутун умид, бутун ишонч билан қарайди.

Мусфера Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ўрта-махсус касб-ҳунар ҳудудий бошқармасида тарғибот бўлими мудираси экан.

— Опа, бошлиқлар ҳақидаги гапларимиз эсингиздами? «Юраги мутлақо бўлмаса керак, кўнгли бўлмаса керак», деб тасаввур қилардик. Қандайдир қотиб қолган, оддий одамлар ҳаётидан мутлақо узоқ бир қавм сифатида кўринарди бизга. Озодлик кўп тасаввурларни яхши тарафга ўзгартириб юборди, опа.

Мана, бизнинг бошқармамиз бошлиғи — Руҳиддин Раҳимовнинг холисона тажрибаларига суянсак, бу ёшдагилар ўз амалларига жамиятимиз назаридан қолмаслик учунгина маҳкам ёпишадилар. Уйда ўтириб қолсам, ҳеч ким мени йўқламайди, одам қаторига қўшмайди, деб чўчиганлари учун ўзларини ўлиб-тирилиб ишлаётгандай кўрсатишга интиладилар. Аммо домла бутунлай бошқа олам. У ўсмир болаларимиз шу бугун Президентимиз, ҳукуматимиз яратиб бераётган имкондан фойдаланиб, бирон-бир касб эгаси бўлиб қолишларини жуда қаттиқ хоҳлайди. Шу иш домламиз учун ҳаёт-мамот масаласига



айланган.

Мусфера мен билган пайтларда фақат Чўлпоннинг шеърлари ҳақида шундай ҳаяжон билан гапириши мумкин эди, холос. Мен унинг тўлқинли гапларидан у ишлаётган бошқарма Қашқадарёдаги 50дан зиёд касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва шу йўналишдаги мактаблар ишига раҳбарлик қилишини билиб олдим.

— Ҳалиям баъзилар бизнинг ўқув масканларимизни эски ҳаммом, эски тос, деб ўйлашади. «Ҳа, оти ўзгарди, холос. Эски техникумлар у билим юртларига мактабни амал-тақал тугатган болаларни мажбуран олиб бориб тиқишарди. Уларнинг оти талаба-ю, ўзлари тайёр текин ишчи кучи эди: хоҳласа яганага, хоҳласа раис буванинг томорқасига жўнатишарди. Тугагач, қўлига тутқазгани қаттиқ қоғози билан ҳеч қаерга ишга олмайди», дейишади. Биз бор кучимиз билан одамлардаги ана шу муносабатни ўзгартиришга ҳаракат қилаяпмиз. Касб-ҳунар коллежларининг оти эмас, ўқув дастури, фаолияти, мақсади бутунлай бошқача эканини фақат оғизда эмас, иш билан исботламоқчимиз.

Мусфера менга шу гапларни айтаркан ўз гапларининг асосли, заминли эканини далилламоқчи бўлиб, Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик ва Қаршидаги саноат коллежлари фаолиятини ҳикоя қилувчи плакатларни кўрсатади.

— Тарғибот бўлимимизда шу плакатларни тайёрлаб, кўп нусхада нашр қилдик. Мана, кўрдингизми, қанақа замонавий касблар бор бу коллежларда. Ҳукуматимиз давлат бюджетидан 1991 йил баҳоси билан бизнинг Қашқадарё вилоятимиз бўйича 575 миллион 610 минг сўм пул ажратган. Республикамиз бўйича бу 6 миллиард 677 минг сўмни ташкил этади. 2005 йилгача ана шу маблағлар ҳисобига касб-ҳунар коллежларимиз ёшлар орасидаги ишсизлик муаммосини бир қадар ҳал этиши керак.

Мусфера менга «Тарғибот» бўлими томонидан тайёрланган бошқа плакатларни ҳам кўрсатди. «Маънавиятнома» деб ном қўйибди биттасига, яна бирини сайловга бағишлаб тайёрлаётган экан. Румий, Амир Темур, Алишер Навоий ҳикматлари. Миллий бирликка, кучли фикрлашга чорловчи даъватлар... Юракка тегадиган гаплар ҳаммаси.

— Бу оддий ташвиқот қоғозлари эмас. Ҳамма яхши китоблар ҳамма жойга оқиб келавермайди. Ҳатто, газета-журналлар ҳам. Баъзан келганда ҳаммада олиш имконияти ҳам бўлавермайди. Аммо болалар ўқиши керак. Йиллар давомида тўпланган фикрлар билан танишиши, улардан сабоқ олиши керак. Дунёда сўздан қудратли яроқ йўқ.

Мусфера бу плакатларни касб-ҳунар коллежлари талабаларига тарқатиши, уларга вилоят ҳокимлигида шу соҳага масъул кишилар — Райим Раҳмонов, Марям Гелдиева, Холмурод Каримовлар ҳам қизиқишиб қараётганини гапирди.

— Вилоятимиздаги барча касб-ҳунарга доир ўқув масканларимиз муаллимлари аттестациядан ўтказилди. Фидойи ўқитувчиларимиз бор экан, уларнинг болаларга меҳрини, ўз ишига фидойилигини кўриб «Худо хоҳласа, бу қийинчиликлардан бешикаст ўтиб кетамиз. Худо хоҳласа, юртимиз ростдан ҳам буюк бўлади» деб ўтирдим...

Мусферага қолса, мени ҳозироқ Қашқадарёга олиб кетса, ўзига жондай азиз бўлиб қолган касб-ҳунар ўқув масканларига олиб борса, талабалар билан суҳбатлаштирса, Мусфера ўз соҳасидаги ишларнинг ҳали бир қадар секин силжиётганини билиб турибди. Аммо болаларимизнинг касб-ҳунар олиш йўлида олдинга ташлаётган ҳар бир қадами ҳам уни беҳад қувонтиради.

— Бораман, албатта, бораман. Сиз қувонган жойда мен ҳам қувонай-да, — деб синглимга ваъда бердим.

Мен Мусферанинг юрагини тоширган барча янгиликларни ҳозирча бор энибўйи билан тўлалигича тасаввур қила олмадим. Аммо бир нарсани аниқ ҳис қилдимки, унинг юрагида улкан бир мақсад уйғонибди. У ўсмир йигит-қизларнинг бирон касбни эгаллашлари учун ўзининг бор билими, куч-қудратини бағишламоқчи. Ва уни фақат Республикада эмас, вилоятда, ҳар шаҳру қишлоқда қўллагувчилар бор. Бу мақсаднинг муҳимлигини угина эмас, жуда кўплар англаяпти.

Мен суҳбат давомида Мусферанинг кўзларига кўп бор аҳамият бердим. Гапирганда пориллаб кетади. Одамнинг юрагида бўшлиқ бўлса, кўзлари бунақа ёнмайди.

Агар хорижлик ҳамкасбимиз Адибахоним шу тобда қўнғироқ қилса эди, мен унга Мусферанинг кўзлари ҳақида гапириб берган бўлардим. Ундаги озодлик берган ўт ҳақида гапирардим. Юракка шундай ёнғин тушгандагина одамлар ҳаётни қаттиқ севиши, қаттиқ қадрлаши ҳақида гапирардим.

Ҳа, майли, бу ҳамкасбимизнинг сўнгги қўнғироғи эмасдир...

**ҚУТЛИБЕКА**



**Онингким, ол энгинда менг яратти, Бўйи бирла сочини тенг яратти...**

*Рассом хандаси*




**Иброҳим ҚОСИМОВ чизган расм.**

*Журналист текшируви*

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

# «СИРЛИ» МАЪЛУМОТ

*ёхуд «Еса ҳам, емаса ҳам, бўрининг оғзи қон!» деганлари ростми?*

**Давоми. Боши ўтган сонда**

## *ТЕКШИРУВ ХУЛОСАЛАРИ*

**Юқорида баён этилганлар холисона ва одилона таҳлил қилинса, шундай саволлар туғилади:**

1. 1998 йил 14 сентябр куни Бектўраевлар томорқасида ўтказилган кўздан кечиришга аслида қандай маълумот асос бўлганди? У бир йигитнинг тақдири ҳал бўлаётган дамда ҳам, Э. Саидов судда таъкидлаганидек, ошкор этилмайдиган даражада сирлимиди? Суд ҳайъати уни ҳеч қурса мутахассислар ёрдамида тегишли йўллар билан текшириб, аниқлаши мумкин эмасмиди?

Бу билан мен бундай маълумот умуман бўлмаган дейиш фикридан йироқман. У бўлган. Бўлганда ҳам шундоқки, қоп қаердалиги аниқ кўрсатилган. Акс ҳолда, милиция ходимлари уни бунчалик тез ва осон тополмасдилар. Кишини бошқа бир савол ўйлантиради: ўша «сирли» маълумот туман ИИБда бирон-бир манбада қайд этилганми? Уни етказган одам, мабодо, ёлғон хабар бераётган ёки туҳмат қилаётган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганми? Борди-ю, бу ишлар амалга оширилмаган бўлса, ўша одамнинг ўзи Азимжонга қандайдир хусумат ёки кимнингдир пинҳона кўрсатмаси бўйича қопни маккажўхорилар орасига олиб кириб қўйиб, кейин милицияга хабар қилгани аниқланса, оқибати нима бўлади?!..

2. Кўздан кечириш ўтказиш ҳақида олдин ёки кейин қарор қабул қилинганми? Қабул қилинган бўлса, нега хонадон эгалари ҳалигача бундан бехабар?

3. Кўздан кечиришда нима учун оила бошлиғи Мавлонқул Бектўраев ва Азимжоннинг қатнашиши таъминланмаган? Ахир, ўша пайтда улар қаердалиги милиция ходимларига яхши маълум эди-ку! Уларни чақириб, топдириб келиш қийин эмасди-ку!

4. Эр-хотин Бобоевлар нима учун кўздан кечириш бошланишидан олдин эмас, тадбир ўтказилиб, қоп топилгандан кейин холисликка чақирилганлар?

5. Қопдаги ўсимлик нега ерга ағдарилиб холислар ва гувоҳларга кўрсатилмаган? Бу ашёвий далил нима учун топилган жойида муҳрланмаган?

6. Холислар иштирокида тузилган баённомада ва экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда қопдаги ашёвий далил оғирлиги тахминан 5 кг бўлган, ўткир ҳидли ўсимликка ўхшашлиги қайд этилган. Экспертизада эса 10280 граммлик марихуана эканлиги аниқланган. Наҳотки, олти бирдай одам чамада роппароса 5 килога, яна денг, гумон қилинувчининг зарарига адашса? Калаванинг учи қаерда?

7. Қоп уйдан, ҳовлидан эмас, томорқа этагидаги маккажўхорилар ичидан топилган. Хўш, у ҳолда милиция ходимлари нима учун оиланинг бошқа аъзолари — Мавлонқул акани, Ойша опани, Мақсудани ишга жалб этмаганлар? Нега танҳо Азимжондан гумонсирашган?

8. Қандай вазиятдалигидан қатъий назар, Азимжон Бектўраев ўз тушунтириш хатида «Бу ўсимликни молимга бериш учун даладан олиб келганман», деб ёзган. Экспертиза натижасида у соф марихуана эканлиги маълум бўлган. Бас, шундай экан, бу гиёҳвандлик ўсимлиги қачон, қайси даладан, неча квадрат метр жойдан ўриб олингани, уни ким экkани нега аниқланмаган? Ёки қонун ҳимоячиларининг иши фақат айбдорни ушлаб жазолашдан иборатми? Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбаларини аниқлаш уларнинг вазифасига кирмайдими?

9. А. Бектўраев терговда ва судда «Қопни томорқамизга келтириб қўйган» деган гапни кўп бор такрорлаган. Бу далил нега текшириб кўрилмаган? Ўша йигит қандай сабабга кўра сўроқ қилинмаган, Азим билан юзлаштирилмаган? Ёхуд, унинг ростданам «кўзга кўринмас суянчиқлари» борми?

10. 1998 йил 14 сентябрда ИИБга келтирилган Азимжон уни ушлаш ҳақидаги қарор қабул қилингунча, яъни 17 сентябр куни соат 21.05 га қадар қаерда, қандай асосда ушлаб турилган? Бу ўринда қонун бузилмаганми?

11. Азимжондан тушунтириш хати олиш не сабаб кўздан кечиришда қатнашган уч милиция ходимидан бирига эмас, бу тадбирда иштирок этмаган Эркин Саидовга топширилган?

12. Терговчи Иномжон Эшонқулов кимнинг буйруғига кўра ва нима учун қарор чиқармай туриб, дастлабки суриштирув ишларини бошлаб юборган? У қандай сабабларга кўра холис Хонзода Бобоева нотаниш машинани кўргани тўғрисида 15 сентябр куни ўз уйида ёзиб берган тушунтириш хатини ишга қўшмаган?

13. Акбар кимнинг топшириғига биноан Х. Бобоевани қишлоқдан излаб топиб, ИИБга олиб кетган?

14. А. Бектўраев «Фалончилар тушунтириш хатини мажбурлаб ёздиришди», дегани боис ЖҚБ бошлиғи С. Халилов ва Э. Саидов 17 сентябр куни эрталаб терговчи С. Сатторов томонидан сўроқ қилинганлар. Тушдан кейин эса, Азимжон яшаган уйда ўтказилган тинтувга бош бўлганлар. Бу қонунга хилоф эмасми?

15. Тинтув Азимжон ИИБга олиб келтилган куни, эртаси ёки индинига эмас, балки у ЖҚБ ходимлари устидан шикоят қила бошлаган, шунга кўра, С. Халилов ва Э. Саидов гувоҳ сифатида сўроқ бергандан сўнг — 17 сентябрда ўтказилган. Бу кишида шубҳа туғдирмайдими? Қолаверса, орадан кечган 3 кеча-кундуз мобайнида хонадон эгалари ҳар қанча ашёвий далилни ҳам бемалол йўқотишлари мумкин эди-ку. Буни терговчи ва ЖҚБ ходимлари билишмасмиди?

16. Милиция ходимлари тинтувга нима учун Азимжоннинг ўзини олиб боришмаган? Ахир, бу пайтда у қидирувда ёки бошқа шаҳар-қишлоқда эмас, ИИБда ушлаб турилганди-ку. Аслида Азимжоннинг калтакланганлигини ота-онаси билиб қолмаслиги учун шундай йўл танланмаганмикан?

17. Сретенко минг-минглаб аҳолига эга гавжум қишлоқ. Шунга қарамай, милиция ходимлари тинтувга бири 2—3 километр, иккинчиси 20—25 чақирим наридаги бошқа жамоа хўжалигида яшовчи одамларни холисликка ўзлари билан бирга олиб борганликларини тушуниш қийин. Улар холислардан бири — Охун Ҳайитбоев аслида Хонзода Бобоеванинг укаси эканлигидан бехабармидилар? Мабодо, бу холислар ўша кезлари бирон-бир сабаб билан ИИБга келтирилмаганми, исм-шарифлари милиция навбатчилик бўлимида қайд этилмаганми?

18. Тинтув чоғида Э. Саидов нима учун айнан Азимжоннинг костюми қаердалигини сўраган? Нега тинтув ўтказиш тартиб-қоидасига кўра, уни олиб кўрсатишни уй соҳибаси Мақсудадан талаб қилмай, шифонерни шахсан ўзи очган? Нега костюмни холисларга кўрсатиб, ўзи текшириш ўрнига Охун Ҳайитбоевнинг олдига ташлаган? Хонада 3—4 нафар милиционер, ўнга яқин холису гувоҳлар бўлишига қарамай, нега костюмни титкилашни айнан Охун Ҳайитбоевга буюрган?

19. Уй эгалари ва холислардан А. Жуманов ҳамда М. Ашуровларнинг «Наша ўроғлиқ қоғоз костюмнинг чўнтагидан эмас, ердан олинди», деган эътирозлари нега баённомага ёзиб қўйилмаган? Улар қандай асосда ИИБга олиб борилган? Холислар ва гувоҳлардан тушунтириш хатлари олиш, уларга баённомага имзо чектириш нима учун тартиб-қоида бўйича ашёвий далил топилган жойда эмас, милиция идорасида амалга оширилган?

20. Қаранг, то прокуратура аралашмагунча А. Бектўраевга тиббий ёрдам кўрсатиш негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бунга қадар адвокат А. Ғафуровaнинг шу ҳақдаги талабномаси кўриб чиқилмаган. Кейинчалик терговчи қабул қилган қарорлар эса қоғозда қолиб кетган. Агар Азимжон аввалдан шу даражада оғир касал бўлган бўлса, ўн килодан ортиқ ўсимликни даладан қандай қилиб ўриб-кўтариб келган?

21. А. Бектўраев туман марказий шифохонасига ётқизилгач, милиция ходимлари нима учун чор-атрофга зир югуриб, ўртага одам қўйдилар? Нега Азимжон олдиндан касал эканлигини исботлаш тараддудига тушиб қолишди? Азимжон касалхонада қандай даво муолажалари олган? Суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказилганми?

22. Унинг 4732-рақамли касаллик тарихи қаёққа ғойиб бўлган? Бу нохуш ҳолат учун жавобгарлик кимнинг зиммасига тушади?

23. Туман марказий касалхонасидан олинган маълумотларга қараганда, А. Бектўраев 1998 йил 18-25 сентябрда шу ерда даволанган. Туман ИИБ тергов бўлими бошлиғи Б. Норжигитовнинг жиноий ишдаги хати бўйича эса бу пайтда у гўёки ҳибсхонада ушлаб турилган. Бу маълумотларнинг қай бири тўғри?

24. Бекобод туман судининг судланувчи А. Бектўраевни даволаниш учун юбориш тўғрисидаги 1999 йил 9 январдаги ажрими қандай сабабга кўра бажарилмаган? Азимжон 1999 йил 9 январдан 22 мартгача, яъни суд бошлангунга қадар қаерда ушлаб турилган?

25. Қўлимдаги жавобларга қараганда, Бекобод туман прокуратураси ИИБ ходими Э. Саидовга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этган. Ушбу ҳолат кейинроқ Ойша Бектўраеванинг Республика раҳбариятига йўллаган аризаси асосида вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган. Натижада туман прокуратурасининг қарори бекор қилинган. Тўпланган ҳужжатлар қўшимча текшириш ўтказиш учун 1999 йил 24 февралда алоҳида топшириқ тариқасида Бекобод шаҳар прокурорига юборилган. Бироқ, мўътабар даргоҳдан текшириш учун жўнатилган шикоят хати ҳам то Азимжоннинг суди тугамагунча ортга сурилган. Кейин — 1999 йил 8 майда эса, Э. Саидовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмас, деган фикрга келинган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиши юзасидан қарор чиқарилган. Текшириш холис олиб борилганми? Қарор тўғри-асослими?

26. Судда холислардан А. Анорқулов, О. Ҳайитбоев, гувоҳлардан Э. Бердиқулов, Р. Тўрақулов, нарколог-эксперт А. Одилов, туман прокурорининг собиқ ўринбосари П. Мавлонов, даволовчи врач Э. Анорқулов ва бошқалар нега сўроқ қилинмаган? Судланувчи А. Бектўраевнинг «Қопни томорқамизга фалончи яшириб қўйган», «Милиция ходимлари мени уриб, тушунтириш хати ёздиришди, оқибатда шунча вақт даволандим», «Мутлақо бошқа жойда видеотасвирга туширишди», «Фалончиларни ўртага қўйишди», «Мени А. Одилов текширмаган, экспертиза баённомасидаги имзо ўзимники эмас», деган қатор даъволари қандай асосда рад этилган? Мақсуданинг «Тинтувдан бир кун олдин тиш олдириш учун пул излаганимда эримнинг костюми чўнтагидан ҳеч нарса чиқмаган эди», холислар А. Жуманов ва М. Ашуровнинг «Наша костюмнинг чўнтагидан эмас, ердан олинди», деган кўргазмаларига, эр-хотин Бобоевларнинг гапларига нега етарли баҳо берилмаган?

Табиийки, бу каби саволларга жўяли жавоб топиш, уларни қонуний нуқтаи назардан холисона ва тўғри баҳолаш кўп меҳнат ҳамда вақтни, юқори юридик малакани талаб этади. Шунга кўра, текширув натижалари асосида мақола тайёрлашга шошилмасликни, ушбу фикр-мулоҳазаларимизни чуқур ва батафсил текшириб чиқиш учун жумҳурият Олий суди, Адлия вазирлиги ва прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги эътиборига ҳавола қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**
**1999 йил, 8 июл.**

**ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0840.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 21.30

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*